

ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ (икки босқичли усул)

Лойиҳа номи: «500/220 кВли «Мурунгов» подстанциясини қуриш ва иккита 3х167 МВАлик автотрансформаторини ўрнатиш» лойиҳаси

**ЕТТБ лойиҳаси
рўйхатдан ўтиш
рақами:** 50691-сонли Келишув

Мамлакат: Ўзбекистон Республикаси

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси — инвестиция маблағларини жалб этувчи;
«Ўзбекистон МЭТ» АЖ — лойиҳа ижросиси

**Харидлар
электрон
порталининг
рўйхатга олиш
рақами:** 14505423-сонли

**Тендер
фаолиятининг
номи:** «Навоий иссиқлик электр станциясидан 220 кВли «Бесопан» ўчириб-ёқиш пунктигача 177 км узунликдаги 220 кВли электр узатиш тармоғини 500 кВли габаритда қуриш»

**Тендер
фаолиятининг
тавсифи:** «500/220 кВли «Мурунгов» подстанциясини қуриш ва иккита 3х167 МВАлик автотрансформаторини ўрнатиш» ҳамда «Навоий иссиқлик электр станциясидан 220 кВли «Бесопан» ўчириб-ёқиш пунктигача 177 км узунликдаги 220 кВли электр узатиш тармоғини 500 кВли габаритда қуриш»

Харидлар тури: Қурилиш-монтаж ишлари

**Харидлар
усули:** Икки босқичли очик тендер

Сектор: Энергетика

**Хабарнома
тури:** Икки босқичли савдо тендерига таклиф

**Нашр қилинган
сана:** 2021 йил 3 февраль санаси, Лондон вақти билан
соат 15:29 да

**Эълон қилиш
санаси:** 2021 йил 28 январь санаси, Лондон вақти билан
соат 18:00 да

Ёпилиш санаси: 2021 йил 5 апрель санаси, Лондон вақти билан
соат 10:00 да

ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ (икки босқичли усул)

1. Молиялаштириш тўғрисида маълумот

Буюртмачи — Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) томонидан ажратилган кредит/грант маблағларининг бир қисми шартнома шартларига мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишни кўзда тутади.

Молиялаштириш бўйича қўшимча маълумотлар:

ЕТТБ маблағларидан «Мурунгов» подстанциясини (50117-сонли идентификация рақами) ва Навоий электр узатиш линиясини модернизация қилиш (50691-сонли идентификация рақами) бўйича якуний шартнома(лар)ни молиялаштириш учун фойдаланилади. Буюртмачи кредит келишувларида белгиланган солиқ имтиёзларидан озод бўлишга ҳақли.

2. Харид фаолияти тўғрисида маълумот

Келишувлар ЕТТБнинг харид қилиш сиёсати ва қоидалари билан тартибга солинади ва ҳар қандай мамлакатдан қатнашаётган иштирокчилар учун харид ҳужжатлари очик бўлади, агарда назарда тutilмаган бошқа талаблар инобатга олинмаган бўлса.

Келишув тури ва харид усули юқорида келтириб ўтилган. Харид қилиш фаолиятининг тўлиқ тавсифи ҳужжатларда ва ЕТТБнинг электрон харидлари порталида (ЕСЕРР) мавжуд.

Ҳужжатлар батафсил техник ва молиявий талаблар, лотлар тўғрисидаги маълумотлар, кутилаётган натижа, мувофиқлик ва малака талаблари, шартноманинг бошланиш санаси, шартноманинг режалаштирилган давомийлиги, жавоб ҳаракатлари муносабатларига ҳар қандай талаблар ва бошқа керакли маълумотларни ўз ичига олади.

Ушбу тендер харидлари ЕТТБ мижозларнинг электрон харидлари портали (ЕСЕРР) ёрдамида амалга оширилади. **Потенциал иштирокчилар харидлар порталига қуйидаги ҳавола ёки «Кириш имкониятлари» тугмачасини босиш орқали киришлари мумкин.** Рўйхатдан ўтган иштирокчилар тизимга киришлари ва тендер ҳужжатлари билан танишишлари мумкин, рўйхатдан ўтмаган қатнашчилар эса қисқа рўйхатдан ўтгандан сўнг қуйидаги ҳаволага киришлари мумкин:

Ҳавола: <https://ecepp.ebrd.com/respond/AZYA73VC8J>

3. Қўшимча маълумотлар

Иштирокчилар бир ёки бир нечта лот учун таклиф киритишга ҳақли. Ҳар бир лотнинг нархи алоҳида белгиланиши лозим. Бир нечта лотлар бўйича танловларда чегирмалар қўлланилиши мумкин ва бундай чегирмалар тендерларни такқослашда (ғолибни аниқлашда) инобатга олинади.

4. Харидорнинг манзили

Мижознинг манзили фақат маълумот бериш учун мўлжалланган. Қизиқиш билдирганлар юқорида келтирилган тегишли ҳаволалардан фойдаланган ҳолда ушбу порталга кириш имкониятига эга. Иштирокчилар Буюртмачи билан алоқа боғлаш учун ЕТТБ мижозларининг электрон харидлари портали (ЕСЕРР) орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Масъул шахс: **Анвар Касимходжаев.**

Батафсил маълумотлар: +998-71-236-6881.

Эълон берувчи: «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100084, Осиё кўчаси, 42-уй.

Веб-сайт: uzbekistonmet.uz

Электрон почта: pmu.muruntau@gmail.com